

Рўза ва унга боғлиқ бўлган саволлар

09:05 / 22.05.2018 3818

Савол:

1. Дуо қилаётиб кўздан ёш чиқиб бу ёшни тамини тилингиз сезса рўза очиладими?
2. Биз hozир Жанубий Кореядамиз бу ерда халол таом топиб ейиш анча қийин. Ўзимизда таёрлашга имконият йўқ шу боисдан кўчада овқатланамиз. Кучада эса халол бўлмаган мол гўшти таом эйишга туғри келади шу нарса мумкинми?
3. Кўзга томизиладиган дори ишлатаётгандим. Бу дорини кунига 4 маҳал қабул қилишим керак, шунга даволанишни давом эттирсам бўладими ёки оғиз очилгандан кейин қуйганим мақулроқми? (эслатма: дори - суюқлик ва ҳар сафар 2 томчидан фойдаланаман).

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

- 1. Очилмайди.
- 2. Мумкин эмас. Муслмон ташкилотларга мурожаат қилинглр, ёрдам беришади.
- 3. Кўзга дори томизса рўза очилмайди.